«Онхазрат (яъни Амир Темурнинг ўгли Шохрух Мирзо) саккиз юзинчи хижрий йили Хуросон мамлакати салтанати тахтига тайин килинди. Салтанат харакатида бўлган гўдаклик чогларидан то жахон халифалик тахтига чикиб карор топгани шу замонгача унинг олий истакка интилувчи химматининг кўзда тутган максади хамиша хак динни мустахкамлаш, пайгамбарлар саййиди Мухаммад алайхиссалом шариатини кучайтириш бўлиб келди хамда илохий фармонни ижро этишда, айникса ман этилган ва номуносиб ишларни йўкотиш ва жиловлаб олишда гоятда жидду жахд кўрстатди. Шу холда мухтасиблик олий мансабига мансуб бўлган шариф кишилар ифтихори Саййид Муртазо Саххоф ва воизлар рахбари мавлоно Абдужалил ал-Коинийлар арзга етказдилар: «Онхазратнинг адолати кўмагида бутун мамлакатда мастликни мушкин хатлик охукўз Хитой гўзаллари кўзидан бошка ерда кўриш душвор ва хуморликни ёрнинг шахло кўзидан бошка ерда учратиш мумкин эмас бир пайтда шахзодалар Мирзо Мухаммад Жўкай ва Мирзо Алоуд-Давлаларнинг хумхоналари (шаробга) тўла, уни тўкиб ташлаш уёкда турсин, у ерга етиб боришнинг ўзи хам бехуда хаёлдан иборат эди. Хазрат Хокони саъид ўз шариф вужуди билан шароб тўкишга отланди, давлат оёгини саодат узангисига кўйиб отга минди ва Дарвозайи Хушдан ташкари чикиб, Сепалак тарафига, хумхоналар ўрнашган жойга жўнади. Бадахшон лаълию руммоний ёкутнинг рашкини келтирувчи соф шароблар билан тўлатилган хумларни хеч ачинишсиз тупрокка тўкдилар. Шариат юкори кўйилганидан мамлакат янгидан равнак олди ва салтанат бу гамхўрлик шарофати билан ўзга бир тароват топди»

Абдураззок Самаркандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн» асаридан